*Тарих*

# Қоятошдаги битиклар

Халқнинг, миллатнинг маданиятини нисбатан аниқроқ ифодалайдиган воситалардан бири тасвирий санъат ҳисобланади. Қоятошларга ишланган ва бизнинг давримизгача сақланиб қолган турли хил расм ва ёзувлар унинг энг ибтидоий кўринишидир.

Қадим замонларда ёғоч, суяк, тери ва бошқа буюмларга ишланган бадиий асарларнинг деярли ҳаммаси даврлар ўтиши билан йўқ бўлиб кетган. Фақат қоя тошларга, ғор деворларига ўйиб ишланган ёки бўёқ билан чизилган расмларгина сақланиб қолган.



Бухоро вилоятидаги Сармиш ва Қораунгурсойда, Сух дарёсининг чап томонидаги Суратсой атрофларида, Нурота, Имом ота, Паркент, Чотқол тоғ тизмаларида, Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой дарасида, Жиззах вилоятининг Такатош мавзесида турли даврларга мансуб кўплаб қоятош расмлари борлиги олимлар томонидан аниқланган ва ўрганилган. Ўлкамиздаги бундай тарихий жойлар, суратлар, тасвирлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар XIX асрнинг 70-90 йилларида матбуот саҳифаларида пайдо бўла бошлади. Жумладан, 1875 йили «Туркистанский ведомости» газетасининг муҳаррири Николай Маев ўз сайёҳатларидан бирида Термиз яқинидаги Қоракамар деган ғор ичида жойлашган будда ибодатхонаси харобаларида деворга туширилган ўрта асрларга оид расмларни кўргани ҳақида ёзади. Термиздан чамаси 100-110 километр шимолий-ғарбда жойлашган Зараутсой дарасидаги тасвирлар эса Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги қоятош расмларидир. Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағрида жойлашган дарадаги ўнгир ва камар тошларига ишланган ушбу расмлар ибтидоий санъатнинг нодир намуналари саналади. Қадимшунос олимларимиз Зараутсойдан 200 дан ортиқ турли хил тарихий суратларни аниқлашган. Олимларнинг таъкидлашича, бу расмлар милоддан аввалги III-II асрларга оид бўлиб, уларда асосан ибтидоий одамларнинг ов қилиш манзараси тасвирланган. Лекин уларнинг 30 тасигина яхши сақланган бўлиб, кўчирма нусхалари ҳозирда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик ҳамда Ўзбекистон тарихи Давлат музейларида сақланмоқда.

1962 йили қўқонлик бир гуруҳ мактаб ўқувчилари тарих фани ўқитувчиси Борис Пастух раҳбарлигида Сух дарёсининг чап томонидаги Суратсойга саёҳат уюштириб, унинг 23 жойида тошга ўйилган ҳайвонлар, ов қилиш манзараси ва чўпонлар ҳаёти акс эттирилган мингдан ортиқ тасвирларни топишган. Узунлиги 14 метрдан ортиқроқ бўлган тошдаги туяларда кетаётган кўчманчилар тасвири, айниқса диққатга сазовордир. Тасвирда туялардан ташқари, чавандозлар ва қўлида узун найза ушлаган жангчилар қиёфаси ҳам яққол кўзга ташланади.

Бухоро воҳасининг шарқий ҳудуди ҳисобланган Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой дарасидаги ибтидоий маданиятнинг яна бир нодир обидаси — қоятошларга битилган тасвирлар, суратлар ҳам катта тарихий қимматга эга. Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки юзида қад кўтарган қоятошларнинг силлиқ юзасига солинган. Уларнинг асосий қисми учли асбоблар ёки ўткир қиррали кескичлар воситасида чизилган. Эътиборлиси, ўта моҳирлик билан ишланган бу жозибали тасвирий санъат намуналарининг манзараси ранг-баранг ва мазмунан бой: ёввойи буқалар, буғу ва булонлар, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тўнғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бирбири билан олишаётган турли хил ҳайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари... Яна бир расмда овчи ола буқанинг олдида туриб камондан ўқ узмоқда. Яна бирида эса от чоптириб бораётган чавандоз ёки олис-олисларга йўл олган туя карвонлари тасвири.

Хуллас, қоятош суратлари бениҳоя юксак тарихий ва илмий аҳамият касб этади. Бироқ, юртимиздаги тошга ўйиб ёки чизиб ишланган тасвирий санъат обидаларининг кўпи ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Узоқ аждодлар тарихидан, турмуш тарзи, касб-кори, санъатидан сўзловчи бундай нодир тарихий обидаларни қидириб топиш, уларни синчиклаб ўрганиш эса катта илмий аҳамиятга моликдир.

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ**

*Рамазон туҳфаси*

# Қаноат ва саховат

***моддий ва маънавий хотиржамликка эришмоқликнинг ягона йўли***

Рамазони шарифнинг охирги ўн кунлиги бир неча жиҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, бу нажот ўн кунлиги, дейилади. Зеро, сабр, қаноат ва тақво билан рўза тутган рўзадор дўзах азобидан нажот топади. Иккинчидан, муқаддас Қуръони карим пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Рамазон ойининг учинчи ўн кунлигида нозил бўла бошлаган экан. Учинчидан, барча мўминлар орзиқиб кутадиган лайлат ул-қадр кечаси ҳам охирги ўн кунликда. Тўртинчидан, Рамазоннинг сўнгги куни — ийди Рамазон байрамининг арафа кечаси барча мўминларнинг қувончидир.

Ҳазрати пайғамбар: «Қаноат битмас-туганмас бир хазинадир», деган эканлар. Дарҳақиқат, қаноат энг катта бойликдир. Айтишларича, Оллоҳ таоло беш нарсани қуйидаги бешта нарсанинг ичига жойлаштирган экан: иззатни тоатга, зиллатни гуноҳга, ҳайбатни тунги ибодатга, ҳикматни бўш қоринга ва бойликни қаноатга. Чунки қаноатли бўлмоқ моддий ва маънавий неъматнинг қадрига етмоқ, шукр қилмоқдир.

Исломда киши ўзига раво кўрган нарсани бошқа муҳтожга ҳам раво кўриши буюрилган. Зеро, пайғамбар алайҳиссаломнинг таълимотига кўра, бошқа мўъминни севиш, ўзига маҳбуб бўлган нарсани унга ҳам раво кўриш иймоннинг энг юқори мартабаси ҳисобланади. Шунинг учун Бишри Хофий: «Қаноат подшоҳдир, у фақат мўъмининнинг қалбида истиқомат қилади» деса, Сулаймон Дороний: «Қаноат ризонинг, яъни Жаноби Ҳақ розилигининг биринчи зинасидир», деган.

Мутафаккирларнинг фикрича, оқил киши дунё ишларини қаноат ва вазминлик билан, охират амалини жадаллик билан, дин машғулиятини эса илм ва жидду жаҳд билан идора этар экан. Дарвоқе, қўлда бўлмаган нарсага интилмаслик, қўл остидаги мавжуд нарсага эса эҳтиёж сезмаслик қаноатнинг шартларидандир.

Қаноат қилиш инсоннинг ўз қисматидаги ризққа рози бўлишидир. Бу хусус, айниқса, аҳли тасаввуфнинг юриш-туриши ва ахлоқида ёрқин намоён бўлади. Зеро, озига қаноат қилиш сўфийлар одобидандир. Буни Зуннуни Мисрийнинг: «Қаноаткор киши замонасининг фитна-ю ёмонликларидан холи бўлур», деган сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Сўфийлардан бирига: «Халқ орасида энг қаноаткор одам ким?», дея савол берганларида, доно сўфий: «Халққа энг кўп ёрдам берадиган ва бошқаларга оғири тушмайдиган одамдир», дея жавоб берган экан. Шу боис, қадимги муқаддас китоблардан Забури шарифда: «Оч бўлса ҳам қаноат қилган одам бадавлатдир», деб ёзиб қўйилган.

Боязид Бистомий ҳазратларидан: «Бу улуғ мартабага қандай эришдингиз?», дея сўраганларида, ул зот: «Барча сабаб ва воситаларни (ҳар турли орзу-истакларни) йиғиб, уларни қаноат арқонига боғлаб, сидқ манжиниғига қўйиб, умидсизлик денгизига улоқтирдим ва халос бўлдим», деган экан.

Демак, моддий ва маънавий хотиржамликка, осудаликка эришмоқнинг ягона йўли қаноат, садоқат ва саховатдир.

**Н.ҲАСАНОВ**

# Муборак ой ҳадислари

Ислом беш асос устига барпо қилингандир: Оллоҳ таолодан бошқа Илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад (с.а.в) Унинг бандаси ва элчиси эканлигига шаҳодат келтирмоқ, намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, Каъбани ҳаж қилмоқ, Рамазон рўзасини тутмоқ» (Термизий).

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в) дан: “Қадр кечаси Рамазоннинг қайси кунида?”, — деб сўралган эди. У киши (с.а.в): “Рамазоннинг барчасида!”, — деб жавоб бердилар (Абу Давуд).

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в) буюрдиларки: “Рамазон ойи кириши билан Жаннатнинг эшиклари очилади ва шайтонлар ҳам занжирларга кишанланади” (Муслим).

* * *

Рўза пардадир. Агар сизлардан кимки рўза тутадиган бўлса, ёмон сўз сўзламасин, бақириб-чақирмасин. Бирортаси унга ёмон сўз айтадиган ва ё жанжал қиладиган бўлса, “Мен рўзадорман!”, — десин (ва унга тенглашмасин).

* * *

Ким Оллоҳ таоло йўлида бир кун рўза тутса, Оллоҳ таоло у билан дўзах орасига кенглиги осмон билан ер қадар бўлган бир хандак (тўсиқ) қилади (Термизий).

* * *

Ким бир рўзадорни ифтор қилса, унга рўзадорнинг савобидек савоб ёзилади. Бу туфайли, рўзадорнинг савоби асло камаймайди (Термизий).

* * *

Ким Рамазон ойида, касал ёки узрли бўлмасдан бир кунлик рўзасини еса (тутмаса), бутун умр давомида рўза тутса ҳам, бу рўзанинг савобини тополмайди (Бухорий).

**Тўпловчи: Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ**

*Спорт*

# Журналистлар соғинган турнир



Шу йил 26 октябрь — 6 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Истиқлол” спорт мажмуида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини футбол бўйича ўзбек футболи фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтади. “Спорт” ва “Ўзбекистон футболи” газеталари соврини учун анъанавий тарзда иккинчи маротаба уюштирилаётган мазкур мусобақада йигирмага яқин жамоа иштирок этиш истагини билдирган.

Журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг футбол турини янада оммавийлаштириш мақсадида ўтган йили илк бор ташкил этилган турнирда “Sport” телеканали, “Наврўз FM” радиоси ва “Ўзбекистон футболи” газетаси жамоалари кучли учликдан жой олганди. Шундан бери ўтган бир йил вақт ичида таассуротларга бой бўлган турнирга қизиқиш янада ортди. Боиси, турнир ташкилотчилари мусобақани юқори савияда уюштириш ҳамда иштирокчиларни муносиб тақдирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Одатдагидек, бу йил ҳам мусобақанинг соврин жамғармаси анчагина салмоқли. Ғолиб ва совриндорлар учун ташкилотчи ҳамда ҳомийлар томонидан кубок, медаллар, махсус диплом ва пул мукофотлари тайёрлаб қўйилган. Шунингдек, турнирда тўртинчи ўринни эгаллаган жамоа “Ишқибозлар меҳрини қозонган жамоа” номинацияси ғолиби сифатида муносиб тақдирланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, турнир якунида ижодкор-футболчилар “Энг яхши ярим ҳимоячи”, “Моҳир тўпурар”, “Энг чиройли гол муаллифи”, “Энг ёш иштирокчи”, “Ғалабага бўлган иштиёқи учун” сингари турли номинациялар бўйича ҳам мукофотланади.

Демак, журналистларни олдинда қизғин ва муросасиз баҳслар кутмоқда.

**Эркин ХОЛБОБО**

*Мурувват*

# Инсондан эзгулик қолади

Инсондан фақат яхшилик, эзгу амаллар қолади. Зеро, кўнгли ярим, кўмакка муҳтож кишига ёрдам бериш савоби Каъбани зиёрат қилиш билан тенгдир, деб бежизга айтишмаган. Рўза-рамазон кунларида саховат кўрсатиш эса, айниқса, хайрлидир.

Тошкент шаҳрилик Фарҳод Ибрагимов хайрли ишларни умрининг мазмуни деб билган олижаноб инсонлардан. У турмуш ўртоғи Зулфия опа билан бамаслаҳат рамазон кунларида муҳтожларга хайр-эҳсон қилишни ният қилишганди. Яқинда пойтахтдаги тиббиёт коллежининг икки нафар кам таъминланган талабасини ўз қарамоғига олишди. Кўнгли очиқнинг йўли очиқ, деганларидек, меҳр-оқибатли, саховатли бу оиладан файз-барака аримаган. “Ҳаётда қийналган инсонларга ёрдам бериш ҳар бир мўминмусулмоннинг бурчидир”, — дейди Фарҳод ака.

Ниятимиз, орамизда шундай саховатпеша инсонлар кўпаяверсин.

**Муниса НУРМАТОВА**

**ЭЪЛОН**

«General Bizness» масъулияти чекланган жамияти тикувчилик цехи ишчилар учун махсус кийимлар, қўлқоплар, кўрпа-тўшак, чойшаблар ва бошқа тикув маҳсулотларини таклиф этади.

*Тел: 173-08-59, 332-55-54, 102-92-81.*
*Манзил: «Меҳр таянчи» болалар маркази,*
*Мўлжал: «Узмаком» биноси.*

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Бухоро вилоят Кенгаши йўриқчиси Лола Баратовага укаси **Бахтиёр БАРАТОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилоят Кенгаши Кенгаш йўриқчиси Лола Баратовага укаси **Бахтиёр БАРАТОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.




Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

**Таҳрир ҳайъати**
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14
Факс — 133-40-86
Котибият — 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-64
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Беҳбуд Ботиров
Навбатчи — Носир Ҳайдаров
Саҳифаловчи — Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 1100
Ҳажми — 8 босма табоқ. Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1270

Нашр индекси — 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди —